

---

## "Обод қишлоқ" давлат дастури доирасида

Риштон туманида "Обод қишлоқ" давлат дастури доирасида тумандаги Ёйилма МФЙ ҳудудида ободонлаштириш, таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда. Жумладан, Ёйилма МФЙ ҳудудидаги 43 та уйларнинг 3200 кв.м фасад қисмлари таъмирланди. 3500 тупдан ортиқ дарахтларга шакл берилиб, оқланди, 2100 метр ариқлар тозаланди. Шунингдек, 1500 метрдан ортиқ ичимлик суви трубалари олиб келинди. Янги йўл МФЙ ҳудудида 12 та уйларнинг 1000 кв.м фасад қисмлари таъмирланди, 2500 тупдан ортиқ дарахтларга шакл берилиб, оқланди, 500 метр ариқлар тозаланди. Бундан ташқари, вилоят ҳокимининг топшириғига асосан вилоят Ишчи гуруҳи ҳам "Обод қишлоқ" дастури доирасида амалга оширилаётган ишларни ўрганишди.

2021-05-19 05:35:43